
Намунадаги трансформатор мукамал таъмирланди

Бағдод туманида аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминотини яхшилаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан режа-дастурга асосан ҳудудларда электр тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 282-трансформатор пункти ва ундан чиқувчи 0.4 кВ электр узатиш тармоқлари мукамал таъмирланди. Хусусан, трансформатор пунктини бўйлаш, монтаж қилиш, носоз электр қурилмаларини янгилаш, ҳимоявий ҳудудни ободонлаштириш, шунингдек, ҳаво узатиш тармоқларини дарахт шохларидан тозалаш ишлари бажарилди. Натижада, 72 та аҳоли хонадони ҳамда 3 та тадбиркорлик субъектида электр таъминоти яхшиланди.

Ҳудудларда электр таъминотини яхшилаш, электр қурилмалари ва электр узатиш тармоқларини таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Умуман олганда, ушбу мавсумда 143 та трансформатор пункти ва 335,6 км. узунликдаги тармоқни жорий таъмирлаш, 66 та трансформатор пункти ва 171,1 км. узунликдаги тармоқни мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, 772 ва км. узунликдаги тармоқларини дарахт шохларидан тозалаш ишлари олиб борилади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-23 18:48:16